



ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 26 май кuni пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

Истиқлол йилларида пойтахтимиз ўзгача тароват ва замонавий қиёфа касб этди. Бир-бирини тақорламайдиган маъмурий бинолар, турар жойлар, кенг ва раво кўчалар, замонавий кўприклар, мухташам савдо маҳмуалари, бозорлар бунёд этилди.

Президентимиз Шайхонтохур туманидаги «Сузуқ ота» макбараси ва жомеъ масжидида бўлди.

Мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний барикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз авлиёлар ва уламоларимизнинг бой меросини ўрганиш, уларнинг қадим-жоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Сузуқ отанинг исми Мустафоқул бўлиб, 1140 йилда таваллуд толган. У Аҳмад Яссавий қизи Гавҳари Хуш-тожнинг кенжа ўғли бўлган. Болалик чоғида бобоси у кишини эркалаб «Менинг сузим (суюқлим)», хуш келдингиз!», дегани боис атрофдагилар ҳам уни шу исм билан қақира бошлаган. Сузуқ ота юзлаб шоғирларга илм бериб, ҳунарга, ҳалол меҳнатга ўргатган. 1363-1364 йилларда буюк бобокалонимиз Амир Темур Яссавийнинг набираси Сузуқ ота қабри устида макбара ва масжид бунёд эттирган.

Мустиқиллик йиллари бу муқаддас қадимжой қайта тикланиб, ободонлаштирилди. «Сузуқ ота» маҳалла фуқаролар йиғинида беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада хунармандлик, дурадгорлик, ўймакорлик ривожланган.

Бундай масжид ва макбаралар маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нуруни зиёда этишга хизмат қилиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу ерда ҳам хунармандлар маркази ва кутубхона ташкил этиш лозим.

Президентимиз мутасаддиларга макбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар, миллий қадриятларимизни тиклаш, бозор иқтисодиёти-ни ривожлантириш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, келажагимиз эгалари бўлган баркамол авлод-ни тарбиялаш борасидаги сазй-ҳаракатлар, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари самараси барчамизга чексиз фахр-ифтихор бахш этмоқда.

Шавкат Мирзиёев «Тошкент иссиқлик маркази» акциядорлик жамияти-нинг 3-иссиқлик марказида бўлди. Мазкур иссиқлик маркази 1970 йил-ларда қурилган бўлиб, тумандаги 937 объектга иссиқлик қуввати етказиб беради.

Бугунги кунда қозонхона ва тармоқлар техник ва маънавий эскиргани, марказий қозонхоналар истеъмолчилардан узоқ масофада жойлашгани сабабли, иссиқлик етказиб бериш-да айрим муаммолар юзага келмоқда. Тошкент шаҳрини тўлиқ энергия-тежамкор локал қозонхоналарга ўтказиш зарур, деди Президентимиз.

Шу ерда Шайхонтохур туманида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар тақдими бўлиб ўтди.

Тижорат банклари аҳолига банк хизматлари кўрсатиш билан бирга, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, даромадини ошириш, иш билан таъминлашда ҳам самарали ишлар олиб бормоқда. Тақдими ўтказилган лойиҳаларда ана шундай масалалар ўз ифодасини топган. Унда тижорат банклари томонидан аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар келтирилди. Лойиҳаларда яратиладиган иш ўринларига қараб кредитнинг йиллик ставка фоизи пасайиб боради. Битта иш ўрни яратган тадбиркор учун 9 фоиз, иккита иш жойи яратганлик

учун 8 фоиз, бешта ва ундан ортиқ иш ўрни яратган тадбиркорнинг кредит ставкаси 6 фоиз қилиб белгиланади.

Бу лойиҳалардан мақсад халқимиз фаровонлигини ошириш ва турмуш шaroитини янада яхшилашдир. Шунинг учун ҳар бир лойиҳани сифатли ва ўз вақтида бажаришга алоҳида эътибор бериш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Жорий ўқув йилида тумандаги 9 касб-хунар коллежини 4,5 мингдан кўпроқ ўқувчи тамомлайди. Уларнинг аксарияти билан тўрт томонлама шартнома тузилган, битирувчилар иқтисодиёт комплексига қирувчи ташкилотларда амалиёт ўтамоқда.

Тумандаги коллежларда ўқувчилар қайси соҳалар бўйича ўқишни тамомлаётгани, кредит олиб, ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари битирувчиларнинг биронтаси ҳам бўш қолмаслиги, уларнинг ишга жойлашшини қатъий назоратга олиш зарурлигини таъкидлади.

Туманда ташкил этилиши режалаштирилаётган кўп тармоқли саноат кластери истиқболли лойиҳа сифатида баҳоланди.

Шайхонтохур туманида саноатни янада ривожлантириш керак, деди Президентимиз. Бунинг учун соҳани атрофлича ўрганиш ва чет эллик инвесторларни жалб қилиш зарур.

Ташкил этилаётган кластерда трикотаж, фармацевтика, чарм-поябзал, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кенг ўрин берилади. 2 минг иш ўрни яратилиши кўзда тутилган лойиҳанинг умумий қиймати 250 миллион долларни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан молиялаштирилаётган қозғош ишлаб чиқариш лойиҳасида қозғош маҳсулотларига бўлган эҳтиёж, жорий қилинаётган замонавий ишлаб чиқариш технологияси ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимизда хусусий тиббиёт тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим босқични бошлаб берди. Шайхонтохур туманида амалга оширилаётган лойиҳаларда бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

«Trust medical centre» масъулияти чекланган жамияти очётган тиббий марказга ривожланган давлатлардан юқори сифатли жарроҳлик ускуналари келтириб ўрнатилмоқда. Жорий йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширилаётган мазкур клиникада 60 иш ўрни яратилади.

«Zangiota zam-zam» МЧЖ «Савдо-гарбанк» кредитлари эвазига отолорикология ва гинекология соҳасида замонавий тиббий хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳага қўл урган. 2018 йилнинг иккинчи чорагида тўлиқ ишга туширилиши кутилаётган лойиҳада 30 кишининг бандлиги таъминланади.

Туманда 2017 йилда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қиритиладиган инвестициялар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Кимё ва нефть-кимё, қурилиш материаллари, мебель ва қозғош, озик-овқат, тўқимачилик, фармацевтика, чарм-поябзал, қандолатчилик, меҳмонхона хўжалиги, электротехника соҳаларидаги лойиҳаларга ажратиладиган кредитлар миқдори, янги корхоналарда яратиладиган иш ўринлари ҳақида батафсил ахборот берилди.

Шавкат Мирзиёев Белтепа ва Жарариқ кўчалари кесичиш жойида барпо этилаётган кўнгилочар истироҳат боғи қурилишини кўздан кечирди.

Мазкур боғ концепциясида миллий меъморлик аъаналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилган. Боғ ҳудуди 10 гектар бўлиб, бу ерда кўнгилочар масканлар, замонавий аттракционлар, қишки боғ, чархпалак, мусиқали фавворалар, скейтборд ва чағни учиш жойлари, велосипед

йўлаклар, боғ бўйлаб дор йўли, кафелар, 5 қаватли автомобиллар турар жойи қурилиши режалаштирилган.

Ушбу боғдаги ёпиқ кўнгилочар масканлар йилнинг тўрт фаслида ҳам одамлар ҳордиқ чиқариши учун кенг имконият яратади. Боғ ҳудудига қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган ёритиш устунлари ва замонавий соябонлар ўрнатилади.

Худуд мусаффолигини таъминлаш мақсадида боққа каштан, қарағай, япон сафораси, магнолия, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи дарахтлар, турли буталар экилади.

Истироҳат боғида оммавий томошалар, концерт дастурлари, кўрғазма, спорт мусобақалари ва бошқа турли тадбирлар ўтказиш имконияти яратилади. Турли хунармандлик, спорт тўғрақлари, маҳорат дарслари ташкил этилади.

Лойиҳани амалга ошириш учун биринчи босқичда 18 миллион доллар, иккинчи босқичда 22 миллион доллар маблағ ўзлаштирилиши мўлжалланмоқда.

Боғнинг биринчи босқичини 2018 йилда, иккинчи босқичини 2019 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Боғ тўлиқ ишга тушган, 350 киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари боғ лойиҳаси билан танишар экан, мазкур маскан пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг сеvimли даргоҳларидан бири бўлиши, одамлар ҳордиқ чиқариши учун барча зарур қулайликлар, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлайдиган инфраутилма барпо этиш лозимлигини таъкидлади.

Бизнинг асосий вазифамиз — одамларнинг самарали меҳнати ва кўнгилли дам олиши учун муносиб шарт-шaroитлар яратишдан иборат, деди Шавкат Мирзиёев. Бу ерда сайр қилиш учун имконият яратиш ва турли аттракционлар ўрнатиш билан чекланмай, бу масканни катта-ю кичик учун сеvimли ҳордиқ масканига айлантириш зарур.

Мутасадди раҳбарларга қурилиш ишларини сифатли амалга ошириш, ободонлаштириш ишларида манзарали дарахт ва буталарни кўпроқ экиш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ пойтахтимизда бунёд этилаётган Қорақамиш истироҳат боғи, «Эски шаҳар» савдо маркази, кўп қаватли турар жойлар, талабалар миллий илмий-маърифий маркази, Ислмо маданияти маркази лойиҳалари янада такомиллаштирилди.

Ислмо Қаримов кўчасида 3,5 минг ўринли Универсал спорт саройи, Махтумқули кўчасида Ашқобод боғи, Шайхонтохур туманида замонавий савдо маркази, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ёзувчилар уюшмаси биносини қуриш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳалар қурилишини тезлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Президентимиз раислигида Давлат солиқ қўмитаси биносида ўтган йилида Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари, тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди. Унда давлатимиз раҳбари асос солган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари халқ билан мулоқотнинг ноёб тизимига айлангани, турли масалаларга ўз вақтида ечим топилиб, одамларни рози қилаётгани таъкидланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Йиғилишда аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, коммуникация тизимларини янгиллаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва бошқа долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Корея Республикасининг «The Korea Post» нашрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига бағишланган мақола чоп этилди.



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — ХАЛҚАРО НАШРЛАРДА

Мақолада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича батафсил маълумот берилган. Мазкур стратегияни нафақат Ўзбекистон халқи, балки халқаро ҳамжамият ҳам катта қизиқиш билан қабул қилгани қайд этилган. Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини қабул қилишда махсус медиа майдонлар ташкил этилгани, бу борада фуқаролар, аҳолининг турли қатламлари ва жамоатчилик фаоллари ўртасида қизгин баҳс ва мунозаралар олиб борилгани, мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эллик инвесторлар фикр ва таклифлари инобатга олингани алоҳида таъкидланган.

Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси муҳокамага бағишланган

кўплаб халқаро анжуманлар ўтказилгани тилга олинган. Хусусан, Тошкент шаҳрида жорий йилнинг январь ойида ўтказилган халқаро давра суҳбатида мазкур лойиҳа чўқур муҳокама этилиб, таклиф ва тавсиялар билдирилгани қайд этилган. Ушбу анжуман иштирокчилари амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётганини, барча соҳада йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик, ҳаётга татбиқ этилаётган қўшма лойиҳалар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлаган.

«Тараққиёт стратегияси» маркази аъзолари Корея Республикасида бўлиб, мамлакатимизнинг Ҳаракатлар стратегиясига бағишланган қатор учрашув ва тадбирлар ўтказган. Ҳаракатлар стратегиясининг кўлами ва моҳияти «The Korea

Post» нашрида қизиқиш уйғотган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, йирик он-лайн порталига эга мазкур нашр халқаро сиёсат, иқтисодиёт, саноат, маданият ва туризм каби мавзуларни ёритувчи нуфузли ОАВ ҳисобланади. «The Korea Post» Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданий, маънавий ва тарихий меросини, Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотларни кенг халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилишга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

ЎЗА

Фракция йиғилиши

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили ХАЛҚ РОЗИЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати масъул ходимлари Сурхондарё вилоятида сайёр қабуллар ўтказди.

Термиз шаҳри ва туманларда ўтказилган қабулларда вилоятда муурожаатлар билан ишлаш маданиятини юксалтириш, фуқароларни ўйлантираётган масала ва муаммоларга жойида ечим топиш борасидаги ишлар атрофида таҳлил қилинди. Ўртага ташланаётган масалаларнинг ҳуқуқий ечимини тўғри тушуниришга алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларнинг дарду ташвишига шерик бўлиш, эҳтиёж ва талабларини таъминлаш ҳар бир раҳбарнинг муҳим вазифаси экани таъкидланди.

Жорий йилнинг 23 май кунига қадр Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига Сурхондарё вилоятидан 10 мингга яқин муурожаат келиб тушган. Вилоят ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идоралар томонидан уларнинг 9 минг 357 тасига тегишли жавоб берилган. Айрим шикоятлар рад этилган.

Музработ туманидаги Йўлчи маҳалласида истиқомат қилаётган Турсунқул Холлиев ҳаётининг 40 йилдан ортигини ёш авлод тарбиясига бағишлаган. Айни пайтда нафақада. Кўп йиллардан буюн урологик хасталикдан азият чекаётган отахон жарроҳлик амалиётини Тошкент шаҳридаги замонавий

клиникалардан бирида ўтказишда ёрдам сўраган.

— Ёшим 65 да, — дейди Турсунқул ота. — Касаллигим жиддийлигини билган, тегишли жойлардан пойтахтга йўлланим беришларини сўрадим. Ҳал бўлавермагач, Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига муурожаат қилдим. Бугун ушбу масала ижобий ечим топганидан бошим кўкка етди. Бирданига ўзимни тетик, соғайгандек ҳис эта бошладим. Биз, фуқароларнинг мушуқлини осон, ўзганин яқин қилаётган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

Сайёр қабулда фуқароларнинг соғлиқни сақлаш масаласига оид яна бир қатор муурожаатлари тингланиб, жойида ҳал этилди.

— Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига вилоятдан тушган муурожаатларнинг 591 тасида фуқаролар даволаниш учун моддий ёрдам сўраган бўлса, 12 тасида ногиронларни протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш масаласи қўйилган, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи А.Норқобилов. — Шунга мувофиқ, ходимларимиз хонадонма-хонадон юриб,

одамларнинг соғлиғи, турмуш шaroити ва эҳтиёжларини ўрганди. Шу асосда тегишли чоралар белгиланди. Жорий йилнинг ўтган ойлариди 213 киши ногиронлик аравачаси билан таъминланди. Яна 50 та аравачага буюртма берилган.

Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига вилоятдан тушган муурожаатларнинг 417 тасида ичимлик суви, 347 тасида ички йўللار, 168 тасида газ таъминоти, 65 тасида электр энергиясидаги узиллишлар ва бошқа масалалар кўтарилган. Бундай муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган.

Вилоятда ўтказилган сайёр қабуллар ечимини кутаётган муаммолар кўпчилигини кўрсатди. Уларни бартараф этиш учун халқ билан маҳаллий ҳокимлик ва бошқа давлат идоралари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди. Уй-жой билан таъминлаш, банк-кредит, таълим соҳаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари, солиқ ва бошқа назорат қилувчи органлар билан боғлиқ бир қатор муурожаатлар ҳам кўриб чиқилди. Уларнинг бир қисми шу ёрнинг ўзида ҳал этилди, қолганлари бўйича зарур тушуниришлар берилди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.**

МЕХНАТ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Фотура: АЛИЕВ олган сурат.

Ҳар қандай мамлакатнинг бугуни ва келажги иқтисодий барқарорликка бориб тақалади. Иқтисодиёти бақувват давлатда тараққиёт тезлашади, соҳалар ривожланади ва аҳоли яхши шароитларда меҳнат қилиб, турмуш кечиради.

Жорий йилнинг 24 май куни Президентимизнинг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Аввало, шунинг таъкидлаш керакки, мазкур фармон мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида янги амалиётларни амалиётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Саттор Раҳматов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Одам яхши яшashi, муносиб турмуш шароитига эга бўлиши, орзу-хавас билан баланд марралар сари интилиши учун,

аввало, у ўз ишига, даромад манбаига эга бўлиши керак. Шунинг учун аҳолининг турмуш даражасини ошириш, фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бандлигини таъминлаш ҳисобланади.

Президентимизнинг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ислохотларни янги bosқичга олиб чиқади, деб ўйлайман.

Фармон давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ҳамкорликка асосланган ҳолда меҳнат инфратузилмасини ривожлантириш, банд бўлмаган аҳоли, айниқса, ёшларни ишга жойлаштиришда

самарали чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Парламент аъзолари томонидан жойларда ўтказилган ўрганиш натижалари коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тақдим этилаётган маълумотларда ханузгача нотўғри ва ноҳолис ахборотлар учраётганини кўрсатмоқда. Ушбу фармон бу борада юзага келаётган кўплаб муаммоларнинг олдини олиш, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Фармонга мувофиқ, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб биринчи маротаба ишга жойлашган битирувчилар, агар улар таълим муассасасини тамомлаган кундан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, ишга жойлашгандан кейин биринчи йил давомида иш ҳақидан олинган даромадлари бўйича ягона ижтимоий тўловнинг ўрнатилган ставкасини 50 фоизга, уларнинг иккинчи ва учинчи йил давридаги иш фаолияти бўйича 25 фоизга камайтириш белгиланди. Бу битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласида манфаатдорлигини

оширишга хизмат қилади, албатта. Шу билан бирга, ёш кадрларнинг касбий малакасини ошириш имкони ортади.

Фармонга кўра, Меҳнат вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги этиб қайта ташкил қилинди. Вазирлик ва унинг тузилмаларининг устувор вазифалари ва фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Унга кўра, меҳнат бозорини тартибга солиш, бандлик, меҳнатга оид муносабатлар, касбий ва меҳнат стандартлари, гендер тенгликка риоя этилиши, банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга тайёрлаш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида бозор муносабатлари шароитларига мос келадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш ва бошқа вазифалар белгиланган. Кўриниб турибдики, мақсад фақат аҳолини қандай, қайси шароитда бўлмасин, ишга

муҳим кафолати бўлади, деб ўйлайман.

Фармонда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси манзиллигини кучайтириш, нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган тартибга амал қилинишини назорат қилиш, уларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда оилавий тадбиркорликка ва хунарандчиликка жалб этиш чораларини кўриш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилишнинг турли шакллари ривожлантиришнинг рағбатлантириш белгиланган. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад ҳар бир оила турмуш фаровонлигини оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида юридик шахс макромига эга бўлган Жамоат ишлари жамғармаси

Юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари яратилиши, оилаларнинг даромад манбаи кўпайиши партиямиз электорати манфаатига хизмат қилади.

жойлаштиришдан иборат эмас, балки уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини амалда таъминлашдан иборат.

Буларнинг барчаси партия-мизнинг дастурий мақсадларига мос ва ҳамохангидир. Демак, сиёсий партияларга, парламент ва депутатларга берилган қонуний ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда, бу жараёнда фаол иштирок этишимиз, фармон ижроси устидан доимий мониторинг ўрнатишимиз талаб этилади.

Аксавли Тумишова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ушбу фармон мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг

ташкил этилмоқда. Унинг асосий вазифаси вақтинча банд бўлмаган аҳоли йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, йўл ва уй-жой коммунал инфратузилмасини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш, мавсумий кишлоқ ҳўжалиги ишларига жалб этилганда, уларнинг меҳнатини молиялаштиришдан иборат.

Умуман олганда, Президентимиз фармонида белгиланган вазифалар фуқароларнинг муносиб иш ўрнига эга бўлишини таъминлашда, меҳнат муносабатлари ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА
эзиб олди.

Фракция йиғилиши ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Санакар ШОТЛУМАНОВ олган суратлар.

Ҳукумат томонидан парламентга тақдим этилган маълумотга кўра, 2016 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари Давлат бюджетининг 58,9 фоизини, яъни ЯИМга нисбатан 12,1 фоизни ташкил этган. Ижтимоий қўмакка муҳтож кексалар ва ногиронларнинг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ харажатларга 161,1 миллиард сўм ажратилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилишида Давлат бюджетининг 2016 йилдаги ва жорий йил биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги маълумотлар атрофлича муҳокама қилинди.

Бу масала бўйича **Молия вазирининг биринчи ўринбосари Мубин Мирзаев** маъруза қилди.

Таъкидландики, Давлат бюджетининг 2016 йилги ижросида ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ишларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ижтимоий соҳа харажатларининг 57,4 фоизи таълим муассасалари таъминоти, 24,1 фоизи соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган. Бу Ўзбекистон ХДПнинг халқ таълими ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларини бюджетдан молиялаштиришнинг самарадорлигини оширишга доир қарорларига ҳар томонлама мос келади.

— Ҳисоботга кўра, ўтган йили соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини замонавий диагностик ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Саҳобиддин Арзикўлов**. — Ажратилган маблағлар ҳисобидан оила қўраётган ёшларни тиббий қўриқдан, ҳомиладор аёлларни скрининг текширувидан ўтказиш, болаларни 12 та бошқариладиган инфекцияга қарши профилактик эмлаш масалаларига доир амалий ишлар қилинган. Бу аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ва хизматларнинг мақбуллиги ва юқори сифатини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

2016 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг таҳлиллари шунини кўрсатмоқдаки, ижтимоий харажатлар учун режалаштирилган маблағлар миқдори камайтирилишига йўл қўйилган. Келгусида соҳада иқтисод қилинган маблағлар камайтирилмай, муаммоларни ечиш учун йўналтирилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

— Давлат бюджетининг жорий йил биринчи чорағидаги ижроси ҳақидаги ҳисоботни ҳар томонлама таҳлилдан ўтказдик, — дейди **Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев**. — Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ижтимоий соҳа харажатларига алоҳида эътибор қаратдик.

Жумладан, Оролбўйи ҳудудидagi мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида тўлов миқдорининг шу йил 1 январдан 2 баробарга камайтирилиши ҳисобига мактабгача таълимга қамраб олинган болалар сони 16 фоизга ошган. Ушбу мақсадлар учун жорий йил бюджетдан 18,2 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, 1 чорақда 4,5 миллиард сўм сарфланган.

Давлат бюджетининг ижроси камчиликлардан холи эмас, албатта. Сайловчилар билан бўлиб ўтаётган учрашувларда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган фуқаролар иш ҳақини ўз вақтида ололмаётгани тўғрисида муносабатлар тушмоқда.


Жаҳондаги мураккаб молиявий вазият иқтисодиётимизга ҳам таъсир этмай қўймайди. Шундай бўлса-да, Халқ демократик партияси фракцияси иш ҳақи, ижтимоий нафақа ва пенсия тўловлари белгиланган муддатларда молиялаштирилиши зарур, деб ҳисоблайди.

Атрофлича фикр-мулоҳазалардан сўнг фракция аъзолари Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ва 2017 йил биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўллаб-қувватладилар.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислохотларнинг ижтимоий самараси

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ҲУДУДЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021



Олим РАВШАНОВ,
халқ депутатлари Қашқадарь
вилояти Кенгашидаги ЎзХДП
гурӯҳи раҳбари:

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Харакатлар стратегиясида белгиланган долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифалар тараққиётимизни янги bosқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ушбу муҳим ҳужжатнинг учинчи йўналиши иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган. Унга кўра, макроиқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, кишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларнинг комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт этириш масалаларида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қашқадарь вилояти истиклол йилларида ҳар жиҳатдан ривожланди, обод ва кўркам масканга айланди. Ҳудуддаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари янгича мазмун-моҳият касб этмоқда. Вилоят иқтисодиётида ҳам ўзгаришлар юз бермоқда.

Мустақилликдан аввал вилоят иқтисодиёти кўпроқ хомашё етказиб беришга мўлжалланган бўлса, бугун янги sanoat тармоқлари изчил ривожланмоқда.

Вилоятда sanoat ишлаб чиқарилишини янгилаш ва ривожлантириш учун инвестиция дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда, янги корхоналар қурилмоқда, эскилари қайта иқтисослаштирилмоқда, кичик бизнес ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда 1740 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган. Улар бугун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Вилоят ўзининг юксак иқтисодий салоҳияти ва sanoati билан мамлакатимизда муҳим ўрин тутди. Ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 14 триллион 896 миллиард 900 миллион сўмни, 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 5,9 фоизни ташкил этди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 51,6 фоизга етди.

Харакатлар стратегияси асосида макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва

институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тадбиркорлигининг қўллаб-қувватланаётгани, уни ривожлантириш учун кенг йўл очиб берилгани туфайли вилоятда бу соҳада кейинги йилларда улкан ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Ишбилармонлар ўз корхоналарини замонавий технологиялар билан жиҳозлаб, сифатли, харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички бозорни зарур маҳсулотлар ва хизмат турлари билан тўлдиришнинг самарали, бозор талабларига жуда тез мослашувчан шакли ҳисобланади. Энг муҳими, у аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик муаммоларини ҳал қилишнинг самарали воситасидир. Бу эса партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва гоյларга тўла мос келади. Ўз навбатида, партия фаоллари ва депутатлар ҳам бу борада янада ташаббускор бўлишлари талаб этилади.

Барча соҳаларда амалга оширилаётган ана шундай ислохотлар натижасида кейинги 5 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 баробар ошган, ҳудудий экспорт ҳажми 100 миллион долларга етган ва 2011 йилга нисбатан 2,5 баробар кўпайган. Бундай ўсиш суръатлари натижаси одамларнинг турмуш шароитида, вилоят, шаҳар ва кишлоқларимиз қиёфасида намоён бўлмоқда.

Харакатлар стратегиясида кишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қашқадарь вилояти нафақат sanoat, ишлаб чиқариш, балки

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
эзиб олди.

Инсон қачон эртанги кундан кўнгли тўқ бўлади? Агар у барқарор иш ўрнига, эҳтиёжига муносиб иш ҳақиға эга бўлса.

РАМАЗОН — РУҲИЯТНИ ПОКЛАШ ОЙИДИР



Анвар қори Турсунов,
Тошкент шаҳар
бош имом-хатиби:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Рамазон ойини муносиб ўтказиш тўғрисидаги қарори муборак ҳужжатдир. Олдин ҳам айтганмиз, дунёнинг бирор мамлакатидида муборак ойга бағишлаб қарор қабул қилинмайдими. Давлатимиз раҳбарининг халқимизга кўрсатаётган эъзози, буюқ тарихимиз ва муқаддас динимизга бўлган эътибори ана шу қарорда мужассам бўлди, дейишга тўла асосларимиз бор.

Мазкур қарорда Рамазон ойининг барча фазилатлари акс этган. Уларни босқичма-босқич амалга оширишда ҳамма ўз масъулиятини ҳис қилиши жуда муҳим.

Рамазон ойида биринчи навбатда урушганлар ярашиши, муносабатларни ислоҳ қилиши зарур. Аслида бу ишни Рамазонга қолдирмай, вақтлроқ амалга ошириш ва шу орқали бу муқаддас ойга тайёрланиш маъқул амаллардан саналади. Буюқ ватандошимиз Имом Бухорий ҳазратлари келтирган ҳадисда Абу Хурайра розиллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: «Ким Рамазон рўзасини иймон билан ва савоб умидида тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади», — дейилган. Демак, бу ой биз учун руҳиятни поклаш ойидир.


Рўза тутишни бизга Аллоҳ тало Қуръони каримда буюрган.

Бақара сурасининг 183-оятисида: «Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилингандек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсаларингиз», — дейилган. Рамазон ойида, шунингдек, кўпгина савобли ишларни қилиш, ибодатни ошириш, Қуръон тиловат қилиш, эҳсонларни кўпайтириш тавсия этилади.

Мусулмонлар фақатгина Рамазон ойида эмас, балки йил давомида ҳам бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши зарур. Инсонга

Рамазон ойида китоб мутолаасини кўпайтириш, ҳар томонлама фойдали бўлган адабиётларни ўқиш айнаи муддаодир.

бойликни Аллоҳ беради. Шундай экан, саховатпеша одамлар муҳтожларга ёрдам бериши, хайр-эҳсон қилиши керак. Бунда боқувчисини йўқотган, жисмоний имконияти чекланган кишиларга ёрдам қилиниши муҳим айнаи муддао. Рўзалорнинг ибодати фақат кун бўйи оч юришдан иборат эмас. У нафсини идора қилиши даркор.



Ўзбекистонимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Динимизда кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга ундаш билан бирга, уларни динидан, миллатидан қатъи назар, ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга чақиради. Нисо сурасининг 36-оятисида: «Аллоҳга

Муқаддас динимиз шариати-га биноан, рўза тутмаслигига руҳсат берилган одамлар масаласига ҳам тўхталиб ўтсак.

Бемор касалликдан тузалганидан сўнг, Рамазон ойида тутмаган кунларининг рўзасини қазо қилиб тутиб беради. Мусофир агар рўза тутиши машаққат бўлмаса, рўза тутгани яхши. Сафарда тутмаган кунлари рўзасини кейин тутиб беради. Шунингдек, ҳомилалор ва эмизикли аёл ҳам рўза тутмайди. Кексайиб, қувватдан қолган кишилар, тузаллишига умид қолмаган беморлар, кекса онахонлар ҳам бу амални бажармайди. Бундай кишилар кейинчалик ҳам рўза тутмаганлари сабабли, рўзага қазо қилмайдилар, балки тутмаган ҳар кунлари учун фида берадилар.

Рамазон ойида китоб мутолаасини кўпайтириш, ҳар томонлама фойдали бўлган адабиётларни ўқиш айнаи муддаодир. Шу ўринда Президентимизнинг китобхонликни тарғиб қилиш ҳақидаги фармойиши ҳам қатъи воқеага айланиши алоҳида таъкидламоқчиман. Бунга байрамдек қабул қилиш. Негаки, китоб ўқимади туриб, жамият

тараққий этмайди. Моддий жиҳатдан ҳамма нарса етарли бўлса ҳам, хонадонларда китоб ўқилмас экан, улуғлар туғилмайди, миллат ўсмайди. Бу тарих тасдиқлаган ҳақиқатдир.


Муҳтарам Президентимиз ташаббус кўрсатиб, бизга мутолаани тавсия қилляпти. Чунки ота-боболаримиз айнан китоб ўқиш орқали юқори натижаларга эришганлар, ҳалигача уларни ёд олишадди. Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий каби бобокалонларимизни айнан китоб улуғлаган. Дейлик, биз тарихни қаердан ўрганимиз? Китобдан. Буюқ ажодларимиз ҳақида қаердан ўқиямиз? Уни ҳам китобдан. Шундай экан, муъжизага қийсаслаш мумкин бўлган китобни асрашимиз, унинг мутолаасини кўпайтиришимиз керак. Мен китобсиз ўз ҳаётимни тасаввур қила олмайман.

Халқимиздан бир нарсани сўрайман: Президентимизнинг қилаётган ишларига камарбаста бўлайлик. У кишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Бунақа ғайратли инсонлар кам бўлади. Хитойдан келиши билан Туркманистонга йўл олди. У ёқдан Саудия Арабистонига жўнаб кетди. У кишининг амалга ошираётган ислохотларини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Биз ҳам давлатимиз раҳбарининг қилаётган ишларига баракот сўраб, дуо қиламиз. Илоҳим, эл-юрт хизматини қилиб чарчама-син. Халқимизни эса кириб келатган муборак Рамазон ойи билан қутлаб, бу ойнинг шафоатидан унумли фойдаланишларини тилайман. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуҳу.

Темур АЪЗАМ ёзиб олди.

РАНГ-БАРАНГ
ДУНЁ

АСТРОНОМЛАР
енгил сайёрани топишди



АҚШнинг Лихай университети олимлари ўлчамлари бўйича Кўёш тизимидаги энг йирик сайёра — Юпитердан каттароқ бўлган улкан газсимон сайёрани аниқлашди. Бу фазо жисмининг ўзига хослиги шундаки, у зичлиги бўйича пенопластга ўхшайди. Олимлар ҳозирча бу ҳолатни тушунтира олишмаяпти.

Ушбу сайёра ердан 320 ёруғлик йилга тенг узоқликда жойлашган. У ўлчами бўйича Юпитердан 40 фоизга каттароқ, бироқ ундан 5 марта енгилроқ. Бундан ташқари, у жуда зич атмосферага эга.

ШВЕЙЦАРИЯ

ядро энергетикасидан воз
кечмоқда

Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровларда швейцарияликларнинг аксарияти ядро энергетикаси дастуридан воз кечиш вақти келганлигини таъкидлаган.

Бу Швейцария учун осон кечмайди, чунки мамлакат табиий ресурсларга бой эмас. Айнаи пайтда сарф қилинаётган энергиянинг 60 фоизи гидроэлектростанциялар томонидан ишлаб чиқарилади. Муқобил энергия манбаларидан олинаётган энергия фақат 8 фоизни ташкил қилади.

Энергетиканинг ядро секторини қисқартириш дастури 2018 йилнинг январидан кучга кириши мўлжалланмоқда.

Бир неча йиллардан буён атроф-муҳит муҳофазаси учун ўз қонун лойиҳаларини илгари сўриб келган яшиллар партияси вакиллари фуқароларнинг бу қарорини қўллаб-қувватлашмоқда.

Интернет материаллари асосида
тайёрланди.

Реклама ўрнида

АҚОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида давлатимизнинг барқарор тараққиёти, ислохотларнинг давомийлиги ва изчиллигини таъминлашга қаратилган янги ғоялар, амалий ташаббуслар, лойиҳалар ва кенг қўламли чоратadbirlar ўрин олган.

Мазкур ҳужжатда иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида макро-иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари кўзда тутилган.

Шунингдек, илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш вазифалари ўз аксини топган. Банк-молия муассасалари қатори «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ҳам ушбу вазифалар ижросини таъминлашга доир зарур чоратadbirlar амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда «Қишлоқ қурилиш банк» тизимида 42 филиал, 48 минибанк ва 176 шохбча фаолият юритмоқда. Улар 779 мингдан ортиқ миқозга кенг турдаги банк хизматларини кўрсатмоқда. Жорий йил

биринчи чораги якуни бўйича банк капитали йил бошига нисбатан 3,4 фоизга ўсди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоялаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш «Қишлоқ қурилиш банк» фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб келмоқда. Банк тузилмалари истикболли инвестиция лойиҳалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш мақсадида молиявий маблағлар йўналтирмоқда. Биринчи чорак давомида кичик бизнес субъектлари учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 131,5 миллиард сўмга ортди.

Банк ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда қишлоқ жойларда замонавий уй-жойларни барпо этишда фаол иштирок этмоқда. Бу мақсадларга жорий йил биринчи чорагида 158 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Худудларни 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастурига асосан «Қишлоқ қурилиш банк» филиаллари 136 лойиҳага кредитлар



йўналтириб, 800 дан зиёд иш ўрни яратишга кўмак берди.

Фуқароларнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қўён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, илҳам иссиқхоналар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида банк ходимлари 344 минг 564 хонадонда бўлиб, суҳбат ўтказди. Натижада 34 минг 360 фуқаро банкдан кредит олиш истагини билдирди. Ҳозир уларнинг 26 минг 729 тасига молиявий сармоя ажратилди.

Банк кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам эътибор қаратиб, хорижий банкларнинг кредит лийнларини жалб этмоқда. Халқаро тараққиёт уюшмаси, Халқаро қишлоқ ҳўжалигини

ривожлантириш фонди, Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки билан бу йўналишда ҳамкорлик қилинмоқда.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда, жумладан, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишда, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишда «Қишлоқ қурилиш банк» тузилмалари фаол иштирокини таъминламоқда.

Банкимиз замонавий уй-жойлар қуриш жараёнида ҳам ўз маблағлари билан фаол иштирок этмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори аҳолининг яшаш шароитларини

янада яхшилашда янги босқични бошлаб берди.

Мазкур қарор қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар, аҳоли зич жойлашган туманларда ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар, ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,04 гектар бўлган ер участкаларида икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар юрдошларимизга манзур бўлиши шубҳасиз.

Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар қуриш дастурига кўра, уй қурувчининг дастлабки бадали 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги дастурда ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйларни қурувчилар учун 15 фоиздан иборат. Бу уйлар дастури қишлоқ аҳолисининг кенг қатламини жалб этишда муҳим омил бўлади.

Дастурда 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира қуриш назарда тутилган.

Ушбу уй-жойларнинг 5 минг 625 тасини «Қишлоқ қурилиш банк» молиялаштирмоқда. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 546 уй-жойнинг қурилиши ниҳоясига етди. Арзон уй-жойларни қуришда талабгорларни танлаб олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни дастлабки танлаш бўйича тизимнинг очиклиги ва ишончлиги таъминлидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Дастурга кўра, арзон уй-жойлар мулк ҳуқуқи билан турар жойи йўқ ва турар жойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз турар жойда яшайдиган оилалар, бошқа оилалар билан бир уйда яшовчи оилаларга берилиши белгиланган. Бундай уйлар биринчи гуруҳ ногирони бўлган ёхуд суррункали касаллиқнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида хонада яшашга эҳтиёж сезувчи шахс бўлган оилалар, кам таъминланган оилалар, уй-жой

майдони қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий нормага мувофиқ бўлмаган оилаларга ҳам берилмоқда.

Ҳар бир массивнинг бош режасида хизмат кўрсатиш объектлари, спорт майдончалари, ховли қисмида болалар майдони, уй эгалари дам олишлари учун шароитлар эътиборга олинган. Энергияни тежайдиган маҳаллий материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишнинг янада кенгайтирилиши барпо этилаётган уйларнинг таннарих пайсасишига ҳамда аҳолининг барча қатлами учун мақбул нархлар белгиланишига хизмат қилмоқда.

Маълумки, 2017 йил 2 март кунин Президентимизнинг Осиё тараққиёт банки иштирокида 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида арзонлаштирилган уй-жойлар қуриш дастурини амалга ошириш қўшимча чора-таadbirlari тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ҳозир 500 миллион доллар миқдорда узоқ муддатли имтиёзли кредит лийнсини жалб қилиш бўйича келишув музокаралари олиб боририлмоқда.

Барча мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни арафасида уй-жойлар эгаларига топширилишини таъминлаш юзасидан зарурий ишлар амалга оширилмоқда.

Акбар ЭШОНҚУЛОВ,
«Қишлоқ қурилиш банк»
акциядорлик тижорат банки
бошқаруви раисининг биринчи
ўринбасари.

Дастурда 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира қуриш назарда тутилган. Ушбу уй-жойларнинг 5 минг 625 тасини «Қишлоқ қурилиш банк» молиялаштирмоқда.

«Баркамол авлод — 2017»



Жиззахда «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинларининг финал босқичи бошланди. Унда 900 нафарга яқин ўғил-қиз спортнинг 17 тури бўйича медаллар учун кураш олиб бормоқда. Мусобақаларни тўртта объектида ўтказиш режалаштирилган. Хусусан, «Сўғдиёна» универсал спорт мажмуасида бокс, бадий гимнастика, сузиш ва енгил атлетика, Жиззах олимпия захиралари коллежидида гандбол, баскетбол, бадминтон, стол теннис, эркин ва юнор-рум курашлари, дзюдо, таэквондо ВТФ, огир атлетика ҳамда теннис, Жиззах политехника институтидида волейбол, футбол, мазкур институт қошидаги академик лицейнинг спорт залида шохмёт бўйича мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАЛАР ва мағлубиятлар

«Сўғдиёна» универсал спорт мажмуасида саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган спортчилар брасс, чалқанча, баттерфляй, эркин ҳамда аралаш эстафета усулларидида сузиш бўйича ўзаро кўч синашди.

Қизлар ўртасида 50 метрга баттерфляй усулда сузиш баҳсларида қашқадарёлик Фотиима Амилова олтин медал соҳиби бўлди. Шу масофага сузиш бўйича ўғил болалар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада андижонлик Зуфар Абдуллаев биринчи ўринни эгаллади.

Ўғил болалар ва қизлар ўртасида 50 метрга чалқанча усулда сузиш баҳсларида пойтахтлик спортчилар Алексей Тарасенко ва Ирина Ушакова ғолиб бўлди.

Юз метрга баттерфляй усулда сузишда қизлар ўртасида қорақалпоғистонлик Маржина Уразимбетова, ўғил болалар баҳсида лойтахтлик Артём Козлюк энг яхши натижа қайд этди.

Қизлар ўртасида 200 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида андижонлик Шахноза Содикова, ўғил болалар ўртасида Навоий вилояти вакили Олимжон Одилов ғолиб чиқди. Қизлар ўртасида аралаш эстафета мусобақасида Қашқадарё вилояти, ўғил болалар ўртасида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Сузиш бўйича мусобақаларнинг биринчи куни натижаларига қўра, энг кўп очко жамғарган Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, андижонликлар иккинчи ва қашқадарёлик спортчилар учинчи ўринда бормоқда.

Шунингдек, мусобақанинг футбол, волейбол ва шохмёт турлари бўйича баҳслар бошланди.

Футбол бўйича финал йўлланмаси учун Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти жамоалари ўртасида ўтган учрашувда 0:2 ҳисоби қайд этилди. Иккинчи ярим финал баҳсида Қашқадарё ва Хоразм жамоалари майдонга тушди. Унда қашқадарёлик футболчилар 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Фарғона ва Қашқадарё жамоалари ўртасидаги финал учрашуви бугун бўлиб ўтади.

Волейбол бўйича қизлар ўртасидаги ярим финал учрашувида Фарғоналик спортчилар Қашқадарё вилояти жамоасидан 3:1 ҳисобида устун келди. Навоий ҳамда Андижон вилояти жамоалари ўртасида кечган иккинчи ярим финал баҳсида навоийлик ёшлар ғалаба қозонди.

Бугун қизлар ўртасида Андижон ва Наманган, ўғил болалар ўртасида Фарғона ва Навоий жамоалари «Баркамол авлод — 2017» ўйинларининг ғолиблиги учун баҳсларга киришади.

Шунингдек, кеча шохмёт бўйича Швейцарча тизимда 3- ва 4-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Шохмёт баҳсларида ғолиблар номи бугун маълум бўлади.

Мусобақалар давом этмоқда.

Шахбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КИТОБМИ, МУЗҚАЙМОҚ?

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида анъанавий республика «Китоб байрами» бўлиб ўтмоқда.

— Мамлакатимизда истеъдодли ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг асарларини чоп этишга, тарғибот қилишга алоҳида эътибор берилаётгани қувонарли ҳол, — дейди **Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Собир Шукуров**. — Аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш масаласи барчамизнинг диққат марказида бўлиши лозим. Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят, шаҳар ва туман марказларида китоб байрамлари ўтказилмоқда.

— Мен Биринчи Президентимизнинг «Китоб ўқимаган одам фикрлашдан тўхтади» деган ҳикматларини тез-тез эслаб тураман, — деди **Ўзбекистон халқ шоири Икбол Мирзо**. — Фарзандларимиз китоб ўқиши учун, аввало, биз ота-оналар китоб ўқишимиз керак. Ўшанда катталардан ўрнак олиб, болалар ҳам китобсевар бўлиб ўлганди.

— Бокка кириб, аввало, турли нашриётлар томонидан ташкил этилган бири-биридан чиройли китоб ярмаркаларини томоша қилдим, — дейди **Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон**. — Кейин болаларни қузатдим. Бир бола пештахтага қўйилган суратли китоб олдида тўхтаб қолди. Онаси ўша китобни олиб бермагунча, ҳеч қандай кетмай туриб олди. Бошқа бир болани музқаймоқ сотадиган дўкон олдида сийланиб бўлмади. Бу кузатувлардан хулоса шуки, китобга қизиқиш уйғотишда бола характери, тафаккур даражасидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳар бирига алоҳида, ўзига хос тарзда ёндашиш керак.

Нашриётларимизда болалар учун жуда кўп китоблар чоп қилинмоқда. Бу яхши албатта. Лекин уларни чекка туманларга етказишда қийинчиликлар бор. Биз яқинда



Ў.А. сурати.

Фарғона, Наманган, Сирдарё вилоятларида бўлди. Жуда катта ўзгариш, қурилиш-ободончиликлар бўлибди. Лекин мен учун уларнинг ҳаммаси бир томон бўлди-ю, вилоят, туман марказларида қурилаган китоб дўконлари бир томон бўлди. Мамлакатимиз бўйлаб маърифатпарварлик ишлари яна бир поғона кўтарилганидан, эртага ўша жойларга ҳам болалар учун чоп этилган бири-биридан чиройли китоблар етиб боришидан қувондим...

— Байрам руҳи бу йил ниҳоятда баланд, — дейди **«Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Юсуф Абдуллаев**. — Газетамизнинг фаол иштирокчилари бўлган ёш мухбирлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилди. Бир танишим

бундан беш йил аввал ўтказилган дастлабки китоб байрамга боғча ёшидаги фарзанди билан келиб, унга эртаси китоблар олиб берган экан. Шундан буён бола отасидан «Китоб боғига қачон борамиз?» деб сўрашни қўймас экан.

Сайил иштирокчилари ўртасида «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзuida ижтимоий сўровнома ўтказилди ҳамда уларга оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш мақсадига «Болаларда китоб ўқишга меҳр уйғотишда ота-оналарга маслаҳатлар» номли флайерлар тақдим этилди.

Китоб байрамнинг иккинчи куни «Китоб — миллатнинг бебаҳо маданияти ва маънавий мероси» мавзuida V илмий амалий конференция ўз ишини

бошлади. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика Болалар кутубхонаси томонидан ташкил этилган «Китоб бизни бирлаштиради» номли китобхонлар фестивали доирасида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Китоб дунёси» «Болалар адабиёти» журнали, «Тонг юлдузи», «Класс» газеталари таҳририяти ижодий жамоаси билан учрашувлар ўтказилди. «Бунёдкор» ёшлар телекомплекс орқали Китоб байрамнинг Тошкент шаҳри ва ҳудудларда ўтказилиши юзасидан тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этилди.

Китоб байрами тадбирлари давом этмоқда.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Театр — ибратхона

«Дилдаги доғ»



Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқий театрида Қўчқор Норқобилнинг шу номдаги янги драмси премьераси бўлиб ўтди.

Ватаннинг эртаси ёшлар қўлида. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини Халқ ва Ватан хизматига содиқ, элу юрт равнақига муносиб ҳисса қўшадиган инсон бўлиб ўлгайишини истади.

Тинч ва осуда ҳаётимизни издан чиқаришга уринатган, дунёни таҳликага солиб турган ёвуз тўдаларнинг ғараз ғоялари тўрига тушиб қолаётган айрим кимсаларнинг йўлдан адашиб ўз халқи, элу юртига қарши бораётгани ҳар бир юртдошимиз қалбига оғриқ, чексиз изтироб солади.

Таниқли драматург Қўчқор Норқобил қаламига мансуб «Дилдаги доғ» мусиқали драмасида ўз йўлидан адашган фарзанднинг аянчли қилмиши, бундан ғафлатда қолган ота-онанинг фоживий тақдири, маҳалла-қўй, эл-юрт олдида бош кўтаролмай, ғаму азоб ўтида қовурилиши, орзу-умидлари чилпарчин бўлиши чуқур драматизм руҳи билан таҳлил этилган. Спектаклни Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов сахналаштирган. Бастакор Сарвар Юсупов.

Ёшларимизни, ҳар бир оила ва маҳаллани тинч ҳаёт йўлида ҳушёрликка ундовчи, келажак авлод тарбияси учун энг муҳим омиллар акс этган мазкур сахна асарида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Турғун Бекназаров, Ҳамид Тўхтаев, Гулчехра Носирова, Александр Бекжонов, Маъруф Салимов ҳамда театрнинг иқтидорли актёрлари Маъсуда Отажонова, Турсунбой Пиржонов, Норпошло Ҳасанова, Умид Шодмонов, Расулхон Қодирхоновлар асар қаҳрамонлари образларини маҳорат билан ижро этишган.

Дилфуза ЭРҒАШЕВА

Реклама ўрнида

Навоий вилоятида саноат соҳасида фаолият кўрсатётган 561 корхонанинг 33 таси экспорт салоҳиятига эга. Уларнинг 8 таси Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Навоий вилоят филиали кўмаги билан ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР — ЭКСПОРТГА



Хизматлар лицензияланган.

Мисол учун, «Xatirchi Export Import», «Zafar Timur Export Import» хусусий корхоналари, «ASG Karmana Export» масъулияти чекланган жамияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хорижга экспорт қилди.

Жорий йил апрель ойида Жамғарма филиали томонидан кўрсатилган амалий, ҳуқуқий ва ташкилий кўмак натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 11331,0 миллион долларга тенг маҳсулотлар экспорт қилинди.

Ташқи бозорларда қандай маҳсулот ва хизматларга эҳтиёж борлигини аниқлаш мақсадида маркетинг ишлари давом эттирилмоқда, — дейди

Жамғарманинг Навоий вилоят филиали директори Равшан Маҳмудов. — Яқинда Россия, Қозғистон ҳамда Корея Республикасида гилам ва нитронга эҳтиёж борлиги аниқланди.

Ҳозир маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича Навоий шаҳридаги «Ишонч Гилам» МЧЖ билан биргаликда иш олиб бораёпмиз. Бундан ташқари, Навоий вилояти ТИАИС бошқармаси ходимлари билан корхоналарни экспортга жалб қилиш бўйича мулоқотлар давом этмоқда.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташаббуснинг қаноти бор

Президентимизнинг 2017 йил 28 февралдаги 2017-2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ҳудудда саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ва инфраструктура тармоқларини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

АКАДЕМИК ОВУЛДОШЛАРИГА ТИКУВ МАШИНАЛАРИ ҲАДЯ ҚИЛДИ

Ушбу ҳужжатга мувофиқ Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг икки йилга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди. Унга қўра, 52,3 миллиард сўм ва 990 минг долларлик 72 лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 500 янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Балиқчилар юртида туғилиб ўсган таниқли олим, академик Жуманазар Бозорбоев туманда амалга оширилаётган эзгу ишларга ўз хиссасини қўшди. Болалиги ўтган кадрдон қишлоғи — Тикўзақ овулига 14 тикув машинаси ва 3 миллион сўм ҳадя этди.

— Президентимиз раҳнамолигида ҳудудларни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз юртини севадиган ҳар қандай инсоннинг қалбиди улкан гурур ва ифтихор уйғотади, тараққиётга, фаровонлиқни юксалтиришга оз бўлса-да, ҳисса қўшишга ундайди, — дейди Ж.Бозорбоев. — Давлатимиз раҳбарининг бундай олижаноб ташаббусини кўриб, бир чеккада қўл қовуштириб туришни ўзимга эп билмадим. Оз бўлса-да, ҳиссам қўшилсин, дедим. Овулда ишсиз ўтирган хотин-қизлар тикувчилик билан шуғулланиб, оиласи учун даромад топар, деган мақсадда тикув машиналари ҳадя қилдим.

Олимнинг бу саховатидан овулдошлари мамнун.

— Киндик қони тўкилган юртнинг гуллаб-яшнаши учун қайгурган овулдошимиз, академик Жуманазар оғанинг кўмаги туфайли овулда мўъжазгина тикувчилик цехи ташкил этилди, — дейди «Тикўзақ» овул фуқаролар йиғини раиси Буркутбой Қалқонов. — Бу ерда ўндан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2017 йил 27 апрель куни ўтказилган очик аукцион савдоси натижаларига қўра, «O'ZELEKTARTARMOQ» унитар корхонасининг «MARKAZIY MAGISTRAL ELEKTR TARMOQLARI» корхонаси балансидаги д/р 01/668РВА бўлган «Тико» 4 650 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+30/+22	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+33/+20	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+32/+17	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+35/+20	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+30/+15	
Тошкент шаҳри	+35/+18	

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaotlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona menzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538

14582

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:00

Topshirilgan vaqti — 23:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1772010763006

1 2 3 4 5